









# КОЛХОЗ МАДАНИЯТ УЙИ

Юқори Чирчиқ районидagi «Ўзбекистон» колхозининг экономикаси йил сайин юксалиб бормоқда. Пахта ва луб ўсимликларида олинган ҳосилдорлик ўсиб бораётганини туфайли колхозчиларнинг турмуш даражаси яна ҳам яхшиланмоқда. Хўжаликда ҳосилдорликни ошириш эвазига тушадиган маблағнинг бир қисмига замонавий турар-жой ва маданий-маиший бинолар қуриляпти.

Ўқинида бинокорлар колхоз марказида янги маданият уйини фойдаланишга топширдилар. Маданият уйи ажойиб мебеллар, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. 600 ўринли бу янги бинода кутубхона, бадий ҳаваскорлар, модельерлар учун мўъжизали заллар, 120 ўринли кичик зал мавжуд.

Суратда: янги маданият уйининг умумий ва ички қўрғини.

А. Абалли фотолари.



## ИСТИҚБОЛ ЙҮЛИ

Поезд ҳамон илгариларда. Шапаларга тор сикдек тортилган рельслардан чиққан садо тўв водийнинг шодлигини кўйлагандек бўлади.

Поезд даразаларининг бирдан эллик ёшлар чамасидаги аёл кичи узоқ-узоқларга кўз тикиди. Йўлларга қайта-қайта боқди. У ҳудди шу йўллар каби чексиз ҳаёлар оғушида...

У пайтларда ёшгина қизча эди. Дадаси Имомиддин ака хизмат вазифаси билан кўп сафарга чикарди. Отасини соғинган қизча бир кун шундай деди:

— Дадаси, нега кўп йўлга чиқасиз?

— Хизматим шундай. Йўлда хизмат кўп, қизим!

Йўллар қўрғинининг кўрсатади, таннаганининг таннади, ҳаётини ўргатади. Ҳа, қизларим йўлларини ҳозирча қисқароқ. Лекин, Совет ҳукумати бу йўлларни яхшилаш ҳақида ажойиб

режалар тузган. Орадан беш-ўн йил ўтар, ундан сўнг ҳозиргидек рельслардан чиққан садо тўв водийнинг шодлигини кўйлагандек бўлади.

Кўз ўша вақтларда отасининг бу сўзларини тушунамаганди. Лекин «йўл» яқин мушкул онсон, деган гапи ҳамон кўлоғида. Улғайган, бу сўзлардаги ҳикмати яқин тушиниб етди. Мақтабим би. тирган, кўл қўришнинг илми бўйича ўқиб орсунда эди. Лекин, уруш бу орсунини орага суриб юборди. Аммо, юракда ёлқинланган ширин орсун ҳамон шу йўлга ундарди. У транспорт институтига ўқига кирди. Институтни тугатган Туркменистон ССР, Хоразм ва Қорақалпоғистон АССР территорияларидаги темир йўл қўриқларида прораб бўлиб ишлади. У чолларда бу ерлар ҳозиргидек обод эмасди. Ҳаммаёқ қўлу-бичон эди. Унда-

бунда тикилган саксовул ёни янги қўлини кўриб ҳисоблариди.

Чексиз йўллар қўришга бөл болган қиз табиятининг бу қиличликларидан тап тормади. Кези келганда, эриклардек бөл болган, ишлади. Чоркундан Қўриқотганча бўлган 600 километрлик темир йўл қўриқларида прораб вазифасида ишлади, сўнгра беш инженер вазифасига кўтарилди. 1956 йили Урта Осиё темир йўли трести қўриқлиш материаллари лабораториясининг бошлиғи лавозимига тайинланди.

Мана, 18 йилдирки, Л. Аюпова Ўзбекистон ССР Министрлар Советида қўриқлиш бўлими мудири ўринбосари вазифасида ишлаймоқда. У қарда бўлмасин, унинг ишчанлиғи, иродаси билан элга танилди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қўриқчи Л. Аюпова намунали хизматлари учун орден ва медаллар билан тақдирланди.

У меҳрибон она ҳамдир. У фарзандларининг тарбияли ва билимли бўлишларига интилади. Катта қизим Гафар «Гавташкент-строй»да инженер-иктисодчи, Муҳаббат қўриқлиш инженерини бўлиб ишлайди. Дилором педагогика институтининг 3 курсида ўқийди. Қошқарий Қошқарий эса бу йил 10 синфни битириб, ҳаёт кўлини танламоқда.

Яхё ТОИРОВ.

## ВРАЧ МАСЛАҲАТИ СУВ—ҲАЁТ НАНБАН, АММО...

Киши организмни мураккаб бир машина десак, сув уни бевосита ҳаракатга келтирувчи кучдир.

Мана, оддий бир мисол. Организмнинг иш қўбиллигини тиклаш, талабини қондириш учун, шубҳасиз, биринчи набатда овуқат керак. Ошқозонда ҳам бўлган овуқат ичакларга сўрилади. Ичак бўлса керакли моддаларни қонга ўтказди. Қон эса ўзинида зардорлар восита билан организмнинг ҳамма ҳужайраларини таъминлайди.

Сувсиз бу жараёнда бўлиш мумкин эмас. Демак, организмнинг сувга бўлган эҳтиёжи яқинда катта. Бир йилар бола бир кундада бул ичтирдан — бир ярим литрга сув талаб қилади. Катта ёшдаги кишилар бир кундада ўртача 3—4 литр сув истеъмол қилишлари даркор экан. Умуман, кишининг сувга бўлган эҳтиёжи кўп ичтирдан иш шартлигига, фасл ва жисмоний ҳаракатга боғлиқ.

Бордию, организмда сув миқдори камайиб кетса, иш шартлигига, лаби, оғзи қурийдик. Кишининг тинчаси қуриб, иш қўбиллиги йўқолади, бўшашиди. Томир уриши тезлашиб, юрак безовталади. Қон қўқоқлашиб, бош қаттиқ оғрийдик. Кўз тиниб, киши ҳолсизланади. Шунга кўра талаб қилинган сувни истеъмол қилиш

организм учун фойдалидир. Бундай вақтда юрак ва асаб системаси яқин ишлайди, сув кишига ҳаёт бағишлайди.

Сув фойдали бўлиши билан бир вақтда, эҳтиётсизликка йўл қўйилса, кишига зарар ҳам келтиради. Бу ўринда ифос сувлар кўзда тутилмоқда. Аҳлат ташлаш, чиқиндиларни сувга сулуриш, маънавий ағдариш ва ҳоказолар натижасида сувда организм учун хавфли бўлган микроблар вужудга келади.

Айниқса, нисий қуилари юқумли ичак касалликларини дисентерия, ич терлама, тиф-паратиф ва бошқа касалликлар маънавий ифосланган сувлар орқали тарқалади.

Ичтилган сув доимо тоза, тиниқ ва қайнатилган бўлиши шарт. Узоқ туриб қолган, қўнланган, ранги ўзгариб татми бўзилган сувларни ичмас эътилади. Шунинг учун ҳам катта-кичик фақат қайнатилган сувни истеъмол қилишга одатланган даркор. Далада илловчиларни ҳамма вақт қайнатилган сув ва чой билан таъминлаб туришни унутмайлик. Қўдиқ сувларининг устини ёпиқ ҳолда сақлайлик.

Сувга бўлган ҳурмат — элга бўлган ҳурмат эмасми, ахир! И. ФОЗИЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач.

## ДОСААФЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Хона деворларига осиб қўйилган фотосуратлар ДОСААФчилар мусобақасидан ҳикоя қилади. Яқинда Тошкент денгизда кўпқураш бўйича республика мусобақалари бўлиб ўтди.

Тошкент области ДОСААФчилари мерганлик, парус, қайқ ҳайдаш, сузиш, сув остида маррани аниқ топиш каби программаларни муваффақиятли адо этиб, биринчи ўринни эгаллашди. Шахсий биринчиликда ҳам областимиз вакиллари ғолиб чиқдилар. Аёллар ўртасида Ф. Жонқодолова, эркеклар орасида Ф. Аҳметов биринчи бўлиб маррага етиб келдилар. Бошқа муқотили ўринлар ҳам областимиз ДОСААФчилари, га насиб бўлди.

Кўни-кеча Янгийўл шаҳрида ўтказилган амалий кўпқураш мусобақасида яна кўплаб таниқли спортчилар иштирок этидилар,—дейди област ДОСААФ комитети раиси Урмон Шокиржонов,—бу баҳс кросс билан бошланди. Сўнг спортчилар граната ирғитиш, сузиш, мерганлик, автомобиль бошқариш бўйича мусобақалашдилар. Ҳозир бу мусобақалар якунини кўриб чиқаялмиз.

Област ДОСААФ комитетининг жойларда фаолият кўрсатаётган 3064 бошланғич ташкилотига миллионга яқин киши бирлашган. Бошланғич ташкилотлари халқ хўжалигига кадрлар етказиб беришда, ҳарбий хизматга қақирлувчиларни тайёрлашда, турли хил мусобақалар ўтказишда актив иштирок этишмоқдалар. Областдаги мавжуд 5 та автомобиль мактабиди неча юзлаб ёшлар тамомлаб чиқмоқдалар. Автомобиль мактабларида кўплаб шоферлар малака оширмоқдалар.

ДОСААФ аъзоларини чиниқтиришда ва малакаларини оширишда спортнинг турли соҳалари бўйича ўтказилаётган мусобақалар кўп келмоқда. Шу йилнинг ўтган йарида «спорт турлари бўйича 2117 марта мусобақа ўтказилди. Унда салкам 57 миң киши қатнашди. Мусобақалар давомида 4 киши СССР спорт мастери, 22 киши мастерликка кандидат, 27 киши биринчи разрядли спортчи нормативини бакарди.

ДОСААФ аъзолари мусобақаларини ўтказишда ва уларни ҳунарни қилишда Янгийўл шаҳар

ДОСААФ комитети барчага намуна бўлмоқда. Ўтган йилги иш якунлари бўйича шаҳар ДОСААФ комитети, област партия комитети, област ижроия комитети, област касса союзулари совети ва област комсомол комитетининг кўмақи Қизил байроғини кўлга киритди. Комитетнинг автомобиль мактаби намунали жиҳозланган. Унинг Чиноз, Оққўрғон, Янгийўл районови ҳамда Соьдатс. кўе посёлоклардаги филиаллари намунали ишлаб турипти. Ўтган йилда халқ хўжалиги учун миңдан ортиқ шофер ва мотоцикли тайёрлаб берилди. Ҳозир мактаб келгуси йил ҳисобидан кадрлар тайёрляпти. Шу мактаб базасида ўқитувчи-инструкторлар ҳам ўз малакаларини оширмоқдалар.

Олмалиқ шаҳри, Пискент, Чиноз райони, ДОСААФ комитетлари ҳам ўз ишларини намунали ташкил этишмоқдалар. Кейинги пайтда бевосита қороналарнинг ўзига яхши жиҳозланган базалар пайдо бўлмоқда. Чирчиқ электрхимия комбинати, Чкалов номи Тошкент авиация бирлашмаси, Ўзбекистон металлургия заводи, Оққўрғон районидagi 3-ўрта мактаб ҳузури, да ташкил этилган клублар ишларини ҳарбий хизматга тайёрламоқда.

Ҳозирги кунда ДОСААФчилар катта синов бўсағасида турибди. Улар ҳадемай СССР халқларини VI спартакиада финал мусобақаларида бошқа командалар билан беллашадилар. Ўзбекистон спорт шарафини энг кучли 200 ДОСААФчи ҳимоя қилади. Улар орасида областимиз вакиллари ҳам бор.

Спартакиада мусобақаларида пухта тайёргарлик кўрилди. 40 марта республика биринчилиги ва чемпионати ўтказилди. ДОСААФчилар 30 дан зиёд Бунитифоқ зонал мусобақаларида, кўбик ва мати ўрашувларида катнашдилар. Мусобақалар давомида тўққиз марта республика рекорди ўрнатилди. Мусобақалар давомида саралаб олинган энг кучли ДОСААФчилар энди спартакиаданинг финал ўрашувида, яъни ўзларини кўрсатадилар. Шер шубҳа йўқки, маҳоратли спортчиларимиз бу катта қўриқдан ҳам муваффақиятли ўтиб, ўз дўстлари бағрига бруг юз билан қайтадилар.

Ж. НОСИРОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

МАМЛАКАТ ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИНИНГ БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАРИГА ДОИР

## ҲУЖУМ ВА ҲИМОЯ ҲАМКОР БЎЛСИН

Мамлакат футбол чемпионати биринчи давраси тугади. Узоқ вақтгача турнир жадаллигини ўрталаридан ўри олиб келган пахтакорчилар сўнгги икки турда «Заря» ва «Шахтёр» коллективларига ютказиб қўйиб, биринчи даврани 14-ўринда якунлашди. Бошқача қилиб айтганда тошкентлик футболчилар хавфли зонага яқин бўлиб қолдилар.

«Пахтакор» бу йилги чемпионатини яқин бошлади. Муҳлислар ҳамон «Зенит» билан бўлган ўрашувини ва йилги ҳисобда эришилган галабини эслашади. Лекин командалар келинги ўрашувларида турли сабаблар билан жанговар савтада ўйнай олмади. Сафдан чиқиб қолган Исоқов билан Федоров ўрнига муносиб резерв топилмади. Дублерлар савтада асосий составда белмалол ўйнай оладиган футболчиларни урота олмади. Ана шундай вазиятда пахтакорчилар бирмунча ён босишга, ҳужумчилар ўринда ярим ҳимочилардан фойдаланишга мажбур бўлдилар. Донецкда бўлган ўйинда пахтакорчилар сафида фақат биргина ҳужумчи В. Хадзипанегис майдонга тушди. Исоқов ва Федоровлар ўрнига ярим ҳимочилар. Иванов ва Иванков тушди. Сафарда ўйнаш, бунинг устига ҳужумчиларсиз майдонга тушмиш жуда қийин.

Спорт шарҳларида, муҳлислар даврасида, қолаверса мутахассислар ўртасида сафарда ўйнаш ҳамма оғирлиги тез-тез ташкиллад турлади. Шунинг учун ҳам тренерлар қоманда олдидаги режаларини планлаштиришда ўз майдонда кўпроқ

очко олишни мақсад қилиб қўйдилар. Олий лиганинг ҳамма командалари истисносиз ана шу йўлни тутди. Агар биринчи давра натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу ҳолини аққол сезиниш мумкин, кўчли олтиликдан жой олган «Арабат», «Шахтёр», «Днепр» ва «Заря» футболчилари ўз майдонларида 80—90 процент очко йиқдилар. Сафарда эса 20—35 процент очкони қўлга киритишдан холис. Арзанистон футболчилари ўз майдонларида 14 имкониятдан 12, Донецк футболчилари 16 очкини 14 тасниқ. «Днепр» эса 7 ўйиндан 13 очко, «Заря» футболчилари эса 14 имкониятдан 12 очко тулашган. Бу командалар рақиб майдонларида унчадан олтигача очко олишга холис.

Бу жиҳатдан «Пахтакор»нинг кўрсаткичлари ёмон эмасдек қўрилади. Лекин футболчиларининг ўз майдонларида 14 имкониятдан 9 очко тулашганлар. Сафарда эса 8 ўрашуви ўтказиб, Киев динамочиларини 1:0 ҳисобида ютишди, «Черноморец» ва Тбилиси динамочилари билан дуранг ўйнашди.

«Пахтакор»нинг катта тренери В. Соловьев Марказий армия спорт клуби билан бўлган ўрашувида кейин мағлубият таҳлил қилар экан «мўъжизали» очкони йўқотди» деган фикрнинг билдирган эди. «Заря» билан бўлган ўрашувида ҳам «Пахтакор» ўз майдонда иккита очко йўқотди.

Ўзбекистон футболчилари масумининг биринчи даврасида гоҳ чиройли ўйин кўрсатсалар, гоҳ уларнинг пасивлигиндан

муҳлислар ражжинди. Командазининг бир текисда ўйин кўрсата олмаганинига составдаги ўзгаришларини сабаб қилиш мумкин. Дарвозабон Сергей Покотиллов қаттиқ шикастланганлиги сабабли масум охиригача сафдан чиқди. В. Филатовга муносиб ўринбосар топилмаётган. Коллективга Фарғонанинг «Нефтяник» дарвозабони М. Қўлдошев тақлиф қилинди. Шунингдек, бир неча масум «Пахтакор» шарафини химоя қилган Н. Любарцев коллективга қайтиб келди.

Ҳимочилар ҳақида гап кетганда фарғоналик Корбеновнинг ўйиндан қаноат ҳосил қилиш мумкин. Унг қаноат ҳимочини ўз вазифасини урдаш билан бирга ҳужумчиларга актив кўмак бермоқда. В. Варюхин эса вазиятга қараб гоҳ ҳимояда:

| Командалар   | У  | Ю | Д | М  | Т     | О  |
|--------------|----|---|---|----|-------|----|
| «Динамо» К   | 14 | 9 | 3 | 2  | 27—13 | 21 |
| «Арабат»     | 15 | 8 | 2 | 5  | 19—15 | 18 |
| «Шахтёр» Д   | 15 | 7 | 3 | 5  | 26—18 | 17 |
| «Днепр»      | 15 | 6 | 5 | 4  | 22—18 | 17 |
| «Динамо» Тб  | 15 | 7 | 3 | 5  | 19—16 | 17 |
| «Заря»       | 15 | 6 | 5 | 4  | 20—17 | 17 |
| «Карпати»    | 15 | 5 | 6 | 4  | 20—17 | 16 |
| «Днепр» М    | 15 | 5 | 6 | 4  | 13—11 | 16 |
| «Черноморец» | 15 | 5 | 5 | 5  | 14—17 | 15 |
| «Спартак»    | 14 | 4 | 6 | 4  | 9—10  | 14 |
| ИСКА         | 15 | 4 | 6 | 5  | 14—16 | 14 |
| «Торпедо»    | 15 | 4 | 5 | 6  | 20—20 | 13 |
| «Локомотив»  | 15 | 3 | 7 | 5  | 11—13 | 13 |
| «Пахтакор»   | 15 | 5 | 3 | 7  | 16—21 | 13 |
| «Зенит»      | 15 | 4 | 3 | 6  | 14—26 | 11 |
| СКА Р        | 15 | 2 | 2 | 11 | 11—27 | 6  |

Бугун «Спартак» — «Локомотив» ўрашуви билан иккинчи давра ўйинлари бошланди. Биринчи турнинг асосий ўйинлари дам олиш кўни бўлади. Шу кўни «Пахтакор» «Карпати» коллективини қабул қилади.

Ш. УМУРЗОҚОВ,  
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.

## МАМАЖОН ИСМОИЛОВНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Киев яқиндаги улкан отчопарга Иттифодиянинг дони кетган чавандозлари йиғилишган эди. Улар СССР халқларини VI спартакиада финал мусобақаларида ўз маҳоратларини кўрсатиш учун бир ерга келишганди. Чавандозларнинг дастлабки кўнги баҳсларида ўзбекистонлик Анда Пахомова икки марта совринли ўринни эгаллади. Қўш бронза медали билан у мусобақадан қайтди.

Набатдаги баҳсларда республикамизнинг дондор чавандоз Мамажон Исмоилов шўҳрат қозонди. У 6300 метр масофани ўз тулпори Прибой билан беҳато босиб ўтди. Масофа давомида 25 та мураккаб тўсқидан сакраб ўтиш керак эди. Чавандознинг моҳирлиги ва тулпорининг эчкилиги шунда биллинди.

Олдинги спартакиадада ғолиблар модалавиллик С. Мухин, мамлакат чемпиони РСФСРлик В. Калинин олдинда борайтган ҳамшаҳримизга тенгашиниға ва ўзиб кетишга кўп уринишди. Аммо тақрибан чавандоз Мамажон Исмоилов ҳар гал тўсқидан тез ва аниқ ошиб ўтиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Мамажон Исмоилов олдинги бешта спартакиаданинг ҳаммасида ҳам иштирок этган эди. Бу талги спартакиада унга шўҳрат олиб келди. Бетеран чавандоз спартакиаданинг олтин медалини қўлга киритиб, республикамиз шўҳратини яна ҳам оширди. Шу тариқа спартакиада финал мусобақалари давомида Ўзбекистон спортчилари қўлга киритган олтин медаллар сони бештага етди.

ТОШКЕНТ  
ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского  
обкома КП Узбекистана  
и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

Р-14045.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64634.

Б-3417.

коммулятор — 330249 дам  
330258 гача  
Эълонлар — 338142.